

**НАМАНГАН ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ
ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛТЕТИ
ФАКУЛТЕТЛАРАРО ЧЕТ ТИЛЛАР
КАФЕДРАСИ
ЎҚИТУВЧИСИ ТУРСУНОВ А.Ҳ**

**“АНДИЖОН ШАҲЗОДАСИ”:
ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ ВА БАДИИЙ
ТЎҚИМА**

ИЛМИЙ МАҚОЛАСИ

“АНДИЖОН ШАҲЗОДАСИ”: ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ ВА БАДИИЙ ТЎҚИМА

Турсунов А.Ҳ.*

Калит сўзлар: тарихий ҳақиқат, бадиий тўқима, образ, рамз

“Андижон шаҳзодаси”[1] номли саргузашт-қисса юртимиз китобхонларига яхши маълум. Зеро унинг нашр этилганига беш йил бўлди (2011). Австриялик (?) немис олими ва ёзувчиси Фриц Вюртленинг ушбу асарини немис тилидан ўзбек тилига таниқли таржимонимиз Янглиш Эгамова таржима қилган.

Ф.Вюртленинг “Андижон шаҳзодаси” аслиятда “BABUR, der TIGER” номланган бўлиб, у 1947 йил Австриянинг “S.Jorel & Co” нашриётида нашр этилган. Асарнинг Германиядан келтирилган асл нусхаси Бобур халқаро фондининг Андижондаги музейида сақланмоқда. Ўзбекча таржимада 160 саҳифани ташкил этувчи ушбу асар “Осмондаги темир қозиқ”, “Карвонбоши”, “Умаршайх Мирзонинг ўлими”, “Оқ каптар”, “Яшил ўқ”, “Донолар урушга боради”, “Отлиқлар жанги” ва “Оллоҳнинг амри” каби кичик-кичик йигирма бобдан иборат. Асарда ўша даврдаги Фарғона водийсидаги ижтимоий-сиёсий ҳолат, водийнинг табиати, аҳолисининг касби-кориға ҳам эътибор қаратилган.

“Андижон шаҳзодаси” Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарининг биринчи фасли воқеаларига асосланган. Маълумки “Бобурнома” қуйидаги жумла билан бошланади:

“Тангри таолонинг инояти билан ва ҳазрати он Сарвари коинотнинг шафоати билан ва чаҳорёри босафоларнинг ҳиммати билан сешанба куни рамазон ойининг бешида тарих саккиз юз тўққузда Фарғона вилоятида ўн икки ёшта подшоҳ бўлдум”. [2,5]

“Бобурнома” дунёнинг кўплаб тилларига, жумладан, қатор Европа тилларига ҳам таржима қилинган. Бироқ биз Ф.Вюртле бу таржималарнинг

*Турсунов А. Ҳ. - Наманган Давлат университети ўқитувчиси

кайсисини ўқиганини ҳам, “Бобурнома” билан қай даражада танишлигини ҳам билмаймиз. Зеро Ф.Вюртле ҳақидаги маълумотларнинг ўзи ҳам жуда-жуда кам. Аммо шуниси аниқки, “Андижон шахзодаси” “Бобурнома” каби тарихий асар эмас. У бадиий асардир. Шу сабабли “Андижон шахзодаси” тарихий воқеалар атрофида яратилган бадиий тўқимадан иборат, холос. Лекин Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид “Андижон шахзодаси” га ёзган сўзбошисида таъкидлаганидек “Фриц Вюртле муаллиф сифатида ҳар қандай бадиий восита ва услублардан, жумладан, бадиий тўқимадан ҳам фойдаланишга юз чандон ҳақли”. [1,8] Биз буни инкор этмаган ҳолда асардаги айрим бадиий тўқима ва тасвир воситаларига эътибор қаратмоқчимиз.

“Андижон шахзодаси”да Фарғона водийси кўркам табиатининг жозибадор тасвирлари келтирилади. Асарнинг “Осмондаги темир қозик” номли илк бобида улкан анор дарахти образи берилган. Анор дарахти, жумладан, шундай таърифланади:

“У шунчалик кексаки, ёши нечадалигини ҳам аниқлаш қийин...Одамларнинг фикрича, кекса анор дарахти узоқ-узоқ замонлардан бери ёнидан ўтган барча ҳайвонларни, одамларни, ҳали яна ўтадиганларнинг барчасини биларкан... Халқда уни “Меҳр-шафқат тимсоли” деб аташади,.. негаки у ўз муридларининг бошини силамоқчи бўлган пирдек бақувват кўлларини ҳар томонга ёйган. Дарахтнинг меҳр-шафқатлилиги унинг соясида, ёзнинг жазирама иссиғидаги салқин, ёқимли соясида билинади”. [1,10]

Биз бу ерда таржимонни айбламоқчи эмасмиз. Бироқ наҳотки асар муаллифи анор дарахт эмас, дарахт бўлганда ҳам улкан дарахт эмас, балки мева берувчи оддий бута эканлигини билмасмикан, деган савол туғилади. Ёки бу қандайдир рамзий образ, гиперболами? Агар бу гипербола бўлса, унинг қандай рамзий маъноси бор? Нечун Шарқдан Ғарбга, Ғарбдан Шарққа ўтувчи барча йўловчи унинг соясида тўхтаб ўтади, ўсмир Заҳириддин Муҳаммад Бобур эса доимо унинг соясида устози Мирзо Уллоҳдан сабоқ

олади? Ёки қадим-қадимларда улкан дарахт бўлган анор бизнинг давримизга келиб бутага айланиб қолганми?

Асарда “сахро” образи, “сахро” сўзи тез-тез такрорланади. Жумладан, Бобурнинг устози улкан анор дарахти соясидаги дарслардан бирида ўсмирга шундай топшириқ беради:

“-Энди қаламингни олгин-да, мана бу жумлани чиройли қилиб ёз: Сахро тунида Аллоҳ бизга бир йўлчи юлдузни ато қилган. Бу кўкдаги Темир қозик юлдузи, бизга йўл ва манзилиминизни кўрсатиб туради. Танграм, ҳаёт сахросида ҳам бизга шундай Темир қозикни ато қилгин, токи биз йўлиминизни йўқотмайлик... Ҳаёт йўллари сахро йўлларида кўра енгил эмас”. [1,14](бу ерда ва бундан кейин таъкидлар бизники – А.Т.)

Мирзо Уллоҳ Заҳириддин Муҳаммаднинг ҳаёлини машғулотга қайтариш учун “унинг фикрини сахро аломатларига буради”, ўсмирнинг узоқларга кетган ҳаёлида эса “Отлар елиб келишар, оппоқ кум уларнинг туёғи остида ҳавога учарди!” [1,15]

Машғулот тугайди. Бироқ устози кўз югуртирганида, шогирдининг дафтаридаги “оппоқ саҳифа бўм-бўш эди, худди оппоқ кумли сахродек бўм-бўш эди...” [1,16]

Заҳириддин Муҳаммад ҳам саҳрони яхши кўради: “Сахрога бўлган соғинч уни бутунлай эгаллаб олган, атрофидаги ҳамма нарсани унутган эди”. [1,15]

Биламизки, Фарғона водийси – ҳақиқий водий, ям-яшил, гуллаган водий. Бу ерда сахро, боз устига “оппоқ кумли” сахро нима қилади? Бу билан адиб нима демоқчи? Ёки бу унинг географияни, Ўзбекистон географиясини билмаслигидан дарак бермайдими? У ўз асарини яратишдан олдин Ўзбекистонга ёки жилла бўлмаса Фарғонага келганми? Нима учун “оппоқ кумли сахро”ни кўрмаган ўн икки ёшли Заҳириддин Муҳаммад саҳрони соғинади? Нега у энг қувончли дамларида ўзини “тўё саҳродан сув топиб олган чанқоқ одамдек бахтли” ҳисоблайди? Асарнинг муқаддимаси – биринчи боби шундай жумбоқларга тўла.

Заҳириддин Муҳаммад тахтга – “оқ кигиз”га ўтирганида эндигина ўттиз ёшга тўлган Қосимбек мўйсафид чол қиёфасида тасвирланади. “Бу отасининг дўсти, Умаршайх Мирзонинг хос хоналарига кечасию кундузи кириб бориш ҳуқуқига эга бўлган мамлакатдаги ягона одам – ҳақиқатан ҳам иззат-икромга лойиқ мўйсафид эди”.[1,41]Бироқ шу мўйсафид, “Бийно басир” – кўзи ожиз одам Шайбонийхонга қарши жангда Андижон лашкарларини бошқаради, оғир жароҳат олиб, зўрға омон қолади.

Асардаги энг етук образ бу албатта “Андижон шаҳзодаси” Заҳириддин Муҳаммад Бобур образидир. У ўсмирлигиданоқ буюк аждодлари темурийлардек, отаси Умаршайх Мирзодек мард ва жасур инсон бўлишни орзу қилади. У Фарғона подшоҳининг ўғли, у ўзини подшозодадек тутиши, ҳаммага ўрнак бўлиши лозим. Ундаги бу куч-матонат асарнинг “Жазолаш” деб номланган тўртинчи бобидаёқ намоён бўлади.

Заҳириддин Муҳаммад устози Мирзо Уллоҳ билан “Меҳр-шафқат тимсоли” бўлмиш улкан анор дарахти соясидаги машғулотдан қайтиб келишаётганларида туя кажавасида сиёҳ тўкилиши натижасида “бўялган” устоз уни жазолашни белгилайди. Шаҳзодани жазолашни устоз ўз зиммасига олади ва Андижон шаҳри девори олдидаги гилам устида оломон кўз ўнгида уни қамчи билан савалайди. Девор олдида тўшалган гилам кумни бекитиб турар, унинг устига тизза бўйи баландликда узун темир кўндаланг ташлаб қўйилган эди. Шаҳзода ўзи гилам устига ётади ва ўнг оёғини кўндаланг темирнинг устига қўяди. “Унинг юзи қатъий тус олди, гўё тиззасини темирга маҳкам танғиб боғлаб қўйишгандек оғзини қаттиқ юмиб олди”. [1,23]

Мирзо Уллоҳ унинг оёғига биринчи, сўнг иккинчи зарбани беради: “Мана буни оғриқ деса бўлади! Заҳириддин кўзларини юмиб, қаттиқ бақирib юбормаслик учун чалиштирилган қўлларини қорнига маҳкам босди. Қулоқлари шанғиллаб кетди, атрофида бўлаётган гап сўзларни ҳам эшитмасди. Бироқ у бир нарсани: уни матонати учун мақтаганларини эшитди. Одам ёқимли гапни денгиз шовқини оша ҳам эшитади”. [1,24]

Ёш шахзода мард ва жасур, шу билан бирга кечиримли подшоҳ. У Шайбонийхонга қарши мардона курашади, шахсан ўзи тулпори устида қилич яланғочлаб жанга киради. У сўнгги жангда ўзидан анча катта, тажрибали ва маккор Шайбонийхонни мағлуб этади, уни олти юз жангарилари билан банди этади. Ғазабнок Шайбонийхон билан Бобурнинг сўнгги юзма-юз учрашуви ҳам ниҳоятда ҳаётий, таъсирчан. Унда ҳам Бобурнинг ақл-заковати, мардлиги ва саҳийлиги намоён бўлади.

Ғазабнок Шайбонийхон Бобурга таҳдид қилиб, агар у бу жангда ғолиб чиққанида Бобурнинг ва Андижон халқининг каллаларидан минора курдириб, шон-шуҳратини оширган бўлишини билдиради. Шунда Бобур у ҳам банди этилган душман каллаларидан минора курдириб, унинг тепасига Шайбонийхоннинг бошини қўйиб қўйиши мумкинлигини билдиради. Бироқ у энди минорани банди ғаним жангчилари бошларидан эмас, Ор дарёси қирғоқларидаги тошлардан курдириш режасини тузганлигини маълум қилади:

“Ўшалардан мен – ўз шарафимга эмас, балки отам Умаршайх Мирзо шарафига – ҳар қандай шамолу бўронга дош берадиган минора тикламоқчиман”. [1,160]

Минора қурилиши бошланади. Унга биринчи тошни Бобурнинг ўзи, иккинчисини Шайбонийхон қўяди. Уларнинг кетидан Шайбонийхоннинг жангчилари, Андижон аҳли ишга киришадилар. Минора тайёр бўлади. Минорага сўнгги тошни хаста Қосимбек қўяди ва унинг остонасида жон беради. Ана шунда Шайбонийхоннинг “уятдан юзлари қизаради, Бобур ўзини иккинчи марта мағлуб этганини” тан олади. “Айни шу жойда йил давомида эсиб турадиган шамол ҳам шу кеч тин олди”. [1,163]

Бу бизнинг “Андижон шахзодаси”нинг бадиияти хусусидаги илк кузатишларимиз, ҳалос. Тадқиқотимиз давом этади. Асарнинг кўп сир-саноатини очиш ҳали олдинда.

АДАБИЁТЛАР:

1. Вюртле Фриц. Андижон шахзодаси. Саргузашт-қисса. – Т.: “Ўқитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011.
2. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. – Т.: Юлдузча, 1989.